

# Тракторнинг тортиш динамикаси ва ёқилғи тежамкорлиги

Тракторнинг тортиш динамикаси мавзусини ёритишда тракторларни қувват баланси асосий кўрсаткич ҳисобланади. Тракторни қувват баланси деб унинг иш бажараётганда двигател ҳосил қилган қувватни нималарга сарфланаётганлигини курсатувчи тегламага айтилади

$$N_{\partial_e} = N_{ul} + N_m + N_f + N_\delta \pm N_\alpha \pm N_j + N_{KOB} + N_w$$

$N_{ul}$ -илмокда фойдали иш бажариш учун сарфланган қувват;  $N_m$ -қувватни двигателдан етакчи ғилдиракларга ёки юлдузчаларга узатилганда механик йўқатишлиарга сарфланган қувват;

$N_f$ -тракторни ўзини ўзи ҳаракатлантириши учун сарфлангна қувват;

$N_\delta$ -етакчи ғилдиракларни шатаксирашига сарфланган қувват;

$N_\alpha$ -ҳаракат давомида учрайдиган баландликни енгиш учун сарфланган қувват;

$N_j$ -тезланишни енгиш учун сарфланган қувват


$N_{KOB}$ -қувват олиш валига уланган механизимларни айлантиришга сарфланган қувват;

$N_w$ -ҳаво қаршилигини енгиш учун сарфланган қувват.

Агар трактор горизонтал текисликда, үзгармас тезлик ва қувват олиш валини ишлатмасдан қишок хұжалик ишларини бажарса қувват баланси тенгламаси қуидагида ёзилади

$$N_{\partial\omega} = N_{il} + N_m + N_f + N_\delta$$

Қувват баланси тенгламасини график күринишида ифодаласак бу тенгламани физик мөхияти яққол күринади ва трактор агрегатини фойдаланиш даражаси түғрисида аник фикирга эга бўлинади.



Іракторни қувват өалнаси ва потенциал тортиш тавсифномаси

Тракторга поғанасиз трансмиссия ўрнатылған деб қабул қилинади. Бу турдаги трасмиссияда тортиш юкламаси үзгаришига қараб двигателни факат номинал (мақбул) қувватида юклайди, буни тезликни үзгартириш орқали автоматик равища бажарилади. Абцисса үқига илмоқдаги тортиш кучини қийматини үлчаб қуйилади. Чизмани бажарыш учун иккита ёрдамчи штрих пуктир әгри чизикни чизилади:  $\delta$ -шатаксираш коэффициенти ва ҳаракатланишга қаршилик қилувчи коэффициент  $f$  чизикларни. Бу әгри чизикларни чизиш учун мазкур турдаги трактор ва танланган йўл-тупроқ фонига тегишли экспериментал ёки адабиётдаги қийматларда фойдаланилади.

Ордината ўқига танланган масштабда двигателни номинал қувват ўлчаб қўйилади ( $N_{дв}$ ) ва унинг энг максимал нуқтасидан абцисса ўқига паралел тўғри чизик ўтказилади. Ундан сўнг механик йўқотишларга сарфланган қувват

$$N_m = N_{дв} \left(1 - \eta_m\right)$$

кувватни чизиғи ўтказилади ва унинг миқдори ўзгармайди деб қабул қилинади. Графикни  $N_{дв}$  чизигидан пастга  $N_m$  қийматига қўйиб бу нуқтадан  $N_{дв}$  га паралел чизик чизилади. Икки чизик орасидаги худуд трасмиссиядаги механик йўқотишларга сарфланган қувват миқдорига teng бўлади (графикда вертикал штрихли чизиклар орқали кўрсатилган).

$N_{\partial \nu}$  ва  $N_m$  қийматлари айирмаси етакчи юриткичларга узатилган қувват  $N_k$  ни тасвирлайди.  $N_k$  ни бир қисми етакси ғилдиракларни шатаксирашига сарфланади ва унинг қиймати шатаксирашга пропарционал бўлади ва куйидаги тенгламадан аниқланади.

$$N_\delta = N_k \delta,$$

Ушбу йўқотишлар графикда эгри чизиқли штрихланган майдонга teng.

Тракторни ҳаракатланишига сарфланган  $N_f$  қувватни аниқлашдан аввал, тракторни назарий тезлиги ўзгаришини кўрсатувчи эгри чизик графикка чизилади. Ундан сўнг тракторни ўзини ҳаракатлантиришга сарфланган қувватни куйидаги тенгламадан аниқланади.

$$N_f = \frac{P_f \cdot \vartheta_x}{3,6 \cdot 10^3} [\text{кВт}]$$

$N_f$  ни қийматлари графикда бир бирига перпендикуляр қилиб чизилган юзада акс этирилган

$$N_{ул} = f(P_{ул})$$

функцияли әгри чизик тракторни потенциал тортиш тавсифномаси дейлади.

Тракторни тортиш ва ёқилғи тежамкорлик күрсаткичлари тұғрисида аник маълумот олиш учун уни тортиш тавсифномасини химоблаш ва график күринишда қуриш керак.

Одатда тракторни тортиш тавсифномаси илмокдаги тортиш кучи функциясида қурилади. Тавсифномада илмокдаги тортиш кучи үзгариши натижасида қуйидаги күрсатгичлари үзгаришини күрсатувчи әгри чизиклар өзилдеди: етакчи юриткичларни шатаксираши (буксование), тракторни илгарилама ҳаракатланиш тезлиги, илмокдаги фойдали қувват, тортиш фойдали иш коэффициенти (ФИК) ва ёқилғи сарфи. Санаб үтилган аксарият күрсаткичлар турли узатмаларда турли қийматларга эга бўлади, шунинг учун уларга бир неча узатмаларда олинган әгри чизиклар келтирилади. Хар бир тавсифнома тегишли тупроқ фони учун қурилади. Синалаётган тракторни тортиш ва иқтисодий сифатлари тўғрисида тўлиқ таассаурот олиш учун турли тупроқ фонларидағи тортиш тавсифномалари бўлиши керак.

Хисоблаш йўли билан қурилган тортиш тавсифномага назарий тавсифнома дейилади. Бу тавсифномани икки қисимдан иборат бўлган график кўринишда қурилади.

Тортиш тавсифномасини асосий қисми графикни юқоридаги ярмига бевосита қурилади.

Тракторни назарий тортиш тавсифномаси.

Графикни пастки қисми ёрдамчи эгри чизиқлардан иборат бўлиб, трактор двигателини дастлабки кўрсаткичларини ифодалаш учун хизмат килади.

Тавсифномани X ўқига танлаган масштабда ўлчанган илмоқдаги тортиш кучи  $P_{il}$  белгилаб чиқилади. Тракторни тортиш ФИК  $\eta_{top}$  барча узатмаларда тахминан ўзгармас микдорга эга деб қабул қилинади.

Одатдаги эксплуацисон иш режимларида, яъни тракторни юкланиши етарли катта бўлганида қабул қилинган шарт тахминан туғри деб хисобласа бўлади. Трансмиссия ФИК  $\eta_m$  ўзгармас бўлганда тракторни урунма кучи  $P_k$  двигателни буровчи моменти  $M_{de}$  га тўғри пропорционал бўлади:

$$P_k = \eta_m \frac{M_{\partial e} \cdot i_{mp_i}}{r_k},$$

Бунда  $i_{mp_i}$  – тегишли узатмадаги трансмиссияни узатиш сони;  $r_k$  – етакчи ғилдиракни (юлдузчани) юмалаш радиуси.

$P_k$  ва  $P_{il}$  күчларини графикка белгиланганнанда турли узатмалар турли масштаб қабул қилинади.

Етакчи ғилдиракка назарий юмалаш радиуси  $r_k$  шинанинг турли омилларга боғлиқ бўлган радиал деформациясини эътиборга олиниши керак: шинани конструкциясини, унинг ичидаги ҳаво босимини, ғилдиракка таъсир қилувчи радиал юкламани ва йўл–тупроқ шароитини. Пневматик шинани юмалаш радиуси  $r_k$  ни амалда аниқ ҳисоблашни имкони йўқ, шунинг учун ғилдиракли тракторни назарий тавсифномаси қурилганида қўлланиладиган шиналарни ўртача қиймати олинади, ва бу қиймат тахминан унинг номинал ўлчамига қараб аниқланади. Замонавий шиналарни ўлчамлари  $mm$  да ёки дюмида берилиб қуйидаги ўлчамларини билдиради:  $v \approx h$  – балон профилини кенглиги ёки унинг баландлиги  $d$ -шинанинг ички диаметри масалан 260-508; 165/70R13 -70 →  $h/v=70\%$ ;  $R$ -шинанинг корди радиал; 13-шинанинг ички диаметри, дюмида; 260-шина профилини кенглиги,  $mm$  да; 508 шинани ички диаметри,  $mm$  да.

Юмалаш радиусини қуйидаги формула бўйича тахминан хисоблаш мумкин.

$$r_k = \frac{25,4[0,5 \cdot d + (0,8 \dots 0,85) \cdot b]}{1000} \text{ м},$$

бунда  $25,4\text{мм}=1$  дюм

Тафсифномани юқори қисмига аввал шатаксираш эгри чизиги хисоблаб графига чизилади.

Ториш тавсифномасини бошқа эгри чизиқларидан фарқли бу эгри чизиқ тавсифномани умумий кўрсаткичи ҳисобланади, чунки етакчи ғилдиракларни шатаксираши факат тортиш кучи  $P_{ul}$  га боғлик, қайси узатма кўшилишига боғлик эмас.

Шатаксираш эгри чизиги графикга чизилгандан сўнг унинг юқорисига ҳар бир узатма учун тракторни ҳақиқий тезликлари хисоблаб чизилади. Ҳақиқий тезлик  $v_x$  қуйидаги формула бўйича аникланади.

$$\vartheta_x = \vartheta_h(1 - \delta)$$

Формуладан кўриниб турибдики, хақиқий тезликларни ҳисоблагандага аввал тракторни назарий тезликларини аниқлаш керак.

Агар қўшилган ишчи узайтма ва унинг узатиш сони ҳамда двигателни айланишлар сони маълум бўлса, тракторни назарий тезлиги куйидаги формула орқали аниқланади.

$$\vartheta_{\text{н}} = \frac{2 \cdot \pi \cdot r_{\text{k}} \cdot 60}{i_{\text{тр}} \cdot 10^3} = 0,377 \frac{n_{\text{дв}} \cdot r_{\text{k}}}{i_{\text{тр}}}, \frac{\text{км}}{\text{соям}}$$

бунда  $r_k$ - етакчи ғилдиракни назарий юмалаш радиуси;  $i_{\text{тр}}$ - трансмиссиянинг ушбу узатмадаги узатиш сони.

Трактор қандай тезлик билан ҳаракатланишини аниқлангандан сўнг керакли узатма ва белгиланган илмоқдаги куч билан юкланганида илмоқдаги фойдали тортиш куввати аниқланади.

$$N_{\text{ил}} = \frac{P_{\text{ил}} \cdot \vartheta_{\text{x}}}{3,6 \cdot 10^3} \text{ кВт}$$

Ушбу формула ёрдамида илмокдаги турли тортиш күчлари  $P_{ил}$  учун тортиш қуввати  $N_{ил}$  міндері аниқланады ва ҳисобланған маълумотлар асосида графикни юқори қисміга  $N_{ил}$  эгри чизиклари чизилади.

Тракторни тортиш ФИК ни қуйидаги формула бүйича аниқланади.

$$\eta_t = \eta_m \cdot \eta_\delta \cdot \eta_f = \eta_m (1 - \delta) \left( 1 - \frac{P_f}{P_{ил} + P_f} \right),$$

Бунда;  $\eta_m$  -механик ёқотишларни этиборга олувчи ФИК,  $\eta_m = \eta_m^a \cdot \eta_m^\delta$  ;  
 $\eta_\delta$  -етакчи ғилдиракларини шатаксирашни эътибога олувчи ФИК;  $\eta_\delta = 1 - \delta$ ;  
 $\eta_f$  -тракторни ҳаракатланишига қаршилик қилувчи кучни эътибога олувчи  
ФИК,  $\eta_f = \frac{P_f}{P_{ил} + P_f}$

Ушбу формулалардан кўриниб турибдики, агар  $\eta_m$  барча ишчи узатмаларда бир хил бўлса, тракторни тортиш ФИК  $\eta_t$  мазкур йўл-тупроқ шароитида фақат илмоқдаги тортиш кучига боғлиқ ва қайси узатмада ва қандай тезлик билан ҳаракатланётган боғлиқ эмас. Ҳисобланётган тортиш ФИК міндерини графикни юқори қисміга белгилаб эгри чизикни чизилади.

Тракторни тортиш ФИК ни қуйидаги формула билан хам ҳисобласа бўлади.

$$\eta_m = \frac{N_{\text{ил}}}{N_{\text{дв}}}$$

Тортиш тавсифномасидаги двигателни 1 кВТ тортиш қувватига 1 соатда неча грамм ёқилғи сарифланишини күрсатадиган формула асосида курилган эгри чизиқга солиширилса ёқилғи сарфи дейилади.

$$g = \frac{G_T}{N_{\text{ил}}} \left[ \frac{\text{кг}}{\text{квт}\cdot\text{соат}} = \frac{10^3 \cdot 2}{\text{квт}\cdot\text{соат}} \right]$$

бунда  $G_T$ -маълум тортиш қуввати  $N_{\text{ил}}$  ва маълум узатмада ишлатилаётган тракторни  $\text{кг}$  қийматдаги соатбай ёқилғи сарфи  $G_T = \left[ \frac{\text{кг}}{\text{соат}} \right]$

Солиширма ёқилғи сарфи  $g$  нинг қийматлари двигателни ёқилғи тежамкорлигига унинг юкланиш даражасига ва тортиш ФИК га боғлик.

Давлат меёrlарига кўра тракторни дала-йўл шароитида синаш услубларида тавсия қилинади: ёқилғи тежамкорлиги баҳолашда бу кўрсатишни ўзгариши тортиш қувватини 100 дан 50% гача юклангандан эътиборга олинади.

Кўрилган тортиш тавсифномаси қуйидаги асосий саволга жавоб беради. Ушбу трактор маскур шароитда ва узатмада харакатланганда энг юқори тортиш ФИК билан иш бажариш учун қандай илмоқдаги юритиш кучи  $P_{\text{ил}}$  билан юклаш керак.